

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Инновацион таълим технологиялари маркази

**ТАЪЛИМ ВОСИТАЛАРИ- ТАЪЛИМ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИНГ ЭЛЕМЕНТИ**

Таълим воситалари- таълим технологиясининг элементи

1. Таълим воситалари: тушунча ва мазмуни
2. Ўқув топшириқлари ва эксперт варақларини ишлаб чиқиш қоидалари
3. График органайзерлар техникаси
 - 3.1. Маълумотларни таркиблаштириш ва таркибларга бўлиш, ўрганилаётган тушунчалар ўртасидаги алоқа ва ўзаро алоқани ўрнатишнинг йўл ва воситалари
 - 3.2. Маълумотларни таҳлил этиш ва таққослашнинг йўл ва воситалари
 - 3.3. Муаммони аниқлаш, таҳлил этиш ва ҳал этишни режалаштиришнинг йўл ва воситалари

• Қандай таълим воситаларини
биласиз?

• (Блиц-сўров)


Таълим воситалари - ўқув материални кўргазмали тақдим этиш ва шу билан бирга ўқитиш самарадорлигини оширувчи ёрдамчи материаллар ҳисобланади.

Таълимнинг техник воситалари (ТТВ) - ўқув материални кўргазмали намойиш этишга, уни тизимли етказиб беришга ёрдам беради; талабаларга ўқув материални тушунишларига ва яхши эслаб қолишларига имкон беради.

Ёрдамчи таълим воситалари (ЁТВ) – графиклар, чизмалар, намуналар ва ҳ.к. бошқ.

Ўқув - услубий материаллар (ЎУМ) - ўқув материаллар, ўзлаштирилган ўқув материалларини мустаҳкамлаш учун машқлар. Булар талабаларнинг мустақил ишларини фаоллаштиришга ёрдам берадилар.

Таълим воситалари



Таълим воситаларини танлашни аниқловчи омиллар:

- Мақсадни белгилаш;
- Ўқув ахборот мазмуни;
- Таълим методлари;
- Етакчи билим манбаи;
- Ўқув материалининг янгилиги ва мураккаблиги.

2. Ўқув топшириқлари ва эксперт варақларини ишлаб чиқиш қоидалари Ўқув топшириғи

Ўқув топшириғи қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- оддий ва тушунарли тилда ифодаланган,
- бажаришга аниқ талабларни ўз ичига олган бўлиши,
- олдиндан тайёрланган ва босмага чиқарилган.

✓ *Ҳар қандай ноаниқлик қўшимча саволларни, муҳокамани, аниқлаштиришни тугдиради.*

✓ *Тингловчиларга ёзма равишда тақдим этиладиган топшириқ матни эркин изоҳларга йўл қўймайди, иш жараёнига тез киришишга имкон беради.*

Слайд тақдимоти

Слайд тақдимоти усули – материалларни оғзаки, слайдларни намоиш этиш билан баёни.

Слайдлардан фойдаланиш катта ахборот сиғимини назарда тутмайди.

3. График органайзерлар техникаси

Графикли органайзерлар (ташкил этувчи) – фикрий жараёнларни кўргазмали тақдим этиш воситаси.

Маълумотларни таркиблаштириш ва таркибий бўлиб чиқиш, ўрганилаётган тушунчалар (воқеа ва ходисалар, мавзулар) ўртасидаги алоқа ва ўзаро боғлиқликни ўрнатиш усул ва воситалари: **Кластер, Тоифалаш жадвали, Инсерт, Б/Б/Б жадвали**

Маълумотларни таҳлил қилиш, солиштириш ва таққослаш усул ва воситалари: **T-жадвали, ВЕННА диаграммаси**

Муаммони аниқлаш, уни хал этиш, таҳлил қилиш ва режалаштириш усуллари ва воситалари: **«Нима учун?», «Балиқ скелети», «Пирамида», «Нилуфар гули» схемалари, «Қандай?» иерархик диаграммаси, «Каскад» таркибий-мантикий схема**

3.1. Маълумотларни таркиблаштириш ва таркибий булиб чиқиш, урганилаётган тушунчалар (воқеа ва ҳодисалар, мавзулар) уртасидаги алоқа ва узаро боғлиқликни урнатиш усул ва воситалари

Инсерт жадвали

**График ташкил этувчининг тури,
аҳамияти ва хусусиятлари**

“ИНСЕРТ” жадвали

Мустақил ўқиш вақтида олган маълумотларни, эшитган маърузаларни тизимлаштиришни таъминлайди; олинган маълумотни тасдиқлаш, аниқлаш, четга чиқиш, кузатиш. Аввал ўзлаштирган маълумотларни боғлаш қобилиятини шакллантиришга ёрдам беради.

**Ўқув фаолиятини ташкиллаштиришнинг
жараёнли тузилмаси**

Инсерт жадвалини тўлдириш қоидаси билан танишадилар. Алоҳида ўзлари тўлдирадилар.

Ўқиш жараёнида олинган маълумотларни алоҳида ўзлари тизимлаштирадилар - жадвал устунларига “киритадилар” матнда белгиланган қуйидаги белгиларга мувофиқ:

“V” - мен билган маълумотларга мос;

“-“ - мен билган маълумотларга зид;

“+” - мен учун янги маълумот;

“?” - мен учун тушунарсиз ёки маълумотни аниқлаш, тўлдириш талаб этилади.

Инсерт жадвали

v	+	-	?

Кластер

КЛАСТЕР


(Кластер-тутам, боғлам)- ахборот харитасини тузиш йўли - барча тузилманинг моҳиятини марказлаштириш ва аниқлаш учун қандайдир бирор асосий омил атрофида ғояларни йиғиш.

Билимларни фаоллаштиришни тезлаштиради, фикрлаш жараёнига мавзу бўйича янги ўзаро боғланишли тасаввурларни эркин ва очиқ жалб қилишга ёрдам беради.

Кластерни тузиш қоидаси билан танишадилар. Ёзув тахтаси ёки катта қоғоз варағининг ўртасига асосий сўз ёки 1-2 сўздан иборат бўлган мавзу номи ёзилади

Бирикма бўйича асосий сўз билан унинг ёнида мавзу билан боғлиқ сўз ва таклифлар кичик доирачалар “йўлдошлар” ёзиб қўшилади. Уларни “асосий” сўз билан чизиқлар ёрдамида бирлаштирилади. Бу “йўлдошларда” “кичик йўлдошлар” бўлиши мумкин. Ёзув ажратилган вақт давомида ёки ғоялар тугагунича давом этиши мумкин.

Муҳокама учун кластерлар билан алмашинадилар.



Кластерни тузиш қоидаси

1. Ақлингизга нима келса, барчасини ёзинг. Ғоялари сифатини муҳокама қилманг фақат уларни ёзинг.
2. Хатни тўхтатадиган имло хатоларига ва бошқа омилларга эътибор берманг.
3. Ажратилган вақт тугагунча ёзишни тўхтатманг. Агарда ақлингизда ғоялар келиши бирдан тўхтаса, у ҳолда қачонки янги ғоялар келмагунча қоғозга расм чизиб турунг.

ТОИФАЛАШ ЖАДВАЛИ

ТОИФАЛАШ ЖАДВАЛИ

Тоифа-хусусият ва муносабатларни муҳимлигини намоён қилувчи (умумий) аломат.

Ажратилган аломатлар асосида олинган маълумотларни бирлаштиришни таъминлайди.

Тизимли фикрлаш, маълумотларни тузилмага келтириш, тизимлаштириш кўникмаларини ривожлантиради.

Тоифали шарҳлашни тузиш қоидаси билан танишадилар. Ақлий ҳужум / кластер тузиш/ янги ўқув материали билан танишишдан сўнг, кичик гуруҳларда, олинган маълумот лавҳаларини бирлаштириш имконини берадиган тоифаларни излайдилар.

Тоифаларни жадвал кўринишида расмийлаштирадилар. Ҳолатларни / маълумотларни тоифага мос равишда бўладилар. Иш жараёнида тоифаларнинг айрим номлари ўзгариши мумкин. Янгилари пайдо бўлиши мумкин.

Иш натижаларининг тақдими

Тоифалаш шарҳини тузиш қоидаси

1. Тоифалар бўйича маълумотларни тақсимлашнинг ягона усули мавжуд эмас.
2. Битта мини - гуруҳда тоифаларга ажратиш бошқа гуруҳда ажратилган тоифалардан фарқ қилиши мумкин.
3. Таълим оловчиларга олдиндан тайёрлаб қўйилган тоифаларни бериш мумкин эмас бу уларнинг мустақил танлови бўла қолсин.

ТОИФАЛАШ ЖАДВАЛИ

Дастурий таъминот		
Тизимли дастурий таъминот	Амалий дастурлар пакетлари	Дастурлаш тиллари
<p>1. Операцион тизимлар:</p> <ul style="list-style-type: none">▪ MS DOS▪ Linux▪ Windows▪ Unix <p>2. Сервис дастурлар:</p> <ul style="list-style-type: none">▪ Антивирус дастурлари▪ Утилитлар▪ Оболочки▪ Архиваторлар ва ҳ.қ..	<p>1. МББТ</p> <p>2. Матн муҳарирлар</p> <p>3. Электрон жадваллар</p> <p>4. График муҳарирлар</p> <p>5. Таржимачилар</p> <p>6. Муаммога мўжалланган ва ҳ.қ..</p>	<p>1. Паскаль</p> <p>2. Delphi</p> <p>3. СИ++</p> <p>4. Бейсик</p> <p>5. Java</p> <p>6. PHP ва ҳ.қ.</p>

Б/БХ/Б ЖАДВАЛИ

Жадвални тузиш қоидаси билан танишадилар. Алоҳида /кичик гуруҳларда жадвални расмийлаштирадилар.

Б/БХ/Б **ЖАДВАЛИ-**
Биламан/ Билишни
хоҳлайман/ Билиб олдим.

Мавзу, матн, бўлим
бўйича изланувчиликни
олиб бориш имконини
беради.

Тизимли фикрлаш,
тузилмага келтириш, таҳлил
қилиш кўникмаларини
ривожлантиради.

“Мавзу бўйича нималарни биласиз” ва
“Нимани билишни хоҳлайсиз” деган
саволларга жавоб берадилар (олдиндаги иш
учун йўналтирувчи асос яратилади).
Жадвалнинг 1 ва 2 бўлимларини тўлдирадилар.

Маърузани тинглайдилар, мустақил
ўқийдилар.

Мустақил/кичик гуруҳларда
жадвалнинг 3 бўлимни тўлдирадилар

Б/БХ/Б ЖАДВАЛИ

Биламан	Билишни хоҳлайман	Билиб олдим

Талаба ф.и.ш. _____

КОНЦЕПТУАЛ ЖАДВАЛ

КОНЦЕПТУАЛ ЖАДВАЛ

Ўрганилаётган ҳодиса, тушунча, фикрларни икки ва ундан ортиқ жиҳатлари бўйича таққослашни таъминлайди.

Тизимли фикрлаш, маълумотларни тузилмага келтириш, тизимлаштириш кўникмаларини ривожлантиради.

Концептуал жадвални тузиш қондаси билан танишадилар. Таққосланадиганларни аниқлайдилар, олиб бориладиган таққосланишлар бўйича, хусусиятларни ажратадилар

Алоҳида ёки кичик гуруҳларда концептуал жадвални тўлдирадилар.

- *Узунлик бўйича* таққосланадиган (фикр, назариялар) жойлаштирилади;
- *Ётиги бўйича* таққосланиш бўйича олиб бориладиган турли тавсифлар ёзилади.

Иш натижаларининг тақдимоти

«Иқтисодий тизимлар» мавзусидаги концептуал жадвал (лавҳа)

Иқтисодий тизимлар	Таърифлар, тоифалар, хусусиятлар ва бошқ.		
	<i>Капиталнинг мулкӣй шакли</i>	<i>Ресурслар эгаси</i>	<i>Ишлаб чиқариш режалари</i>
Бозор иқтисодиёти	Хусусий	Хусусий эгалар	Бозор талаби асосида индивидуал тарзда қабул қилинади.
Маъмурий буйруқбозликг а асосланган иқтисодиёт	Давлат	Давлат	Марказий режа кўмитаси томонидан белгиланади

**3.2.Маълумотларни таҳлил
қилиш, солиштириш ва
таққослашнинг йўл ва
воситалари**

ВЕНН ДИАГРАММАСИ

ВЕНН ДИАГРАММАСИ - 2 ва 3 жиҳатларни ҳамда умумий томонларини солиштириш ёки таққослаш ёки қарама-қарши қўйиш учун қўлланилади.

Тизимли фикрлаш, солиштириш, таққослаш, таҳлил қилиш кўникмаларини ривожлантиради.

Диаграмма Венна тузиш қоидаси билан танишадилар. Алоҳида/кичик гурҳларда диаграмма Веннани тузадилар ва кесишмайдиган жойларни (х) тўлдирадилар

Жуфтликларга бирлашадилар, ўзларининг диаграммаларини таққослайдилар ва тўлдирадилар

Доираларни кесишувчи жойида, икки/уч доиралар учун умумий бўлган, маълумотлар рўйхатини тузади.

Каналдаги сув сарфини аниқлашда **ВЕНН** **ДИАГРАММАСИ**

Парабола шаклида:

- 1. Тирик кесим юзаси;*
- 2. Хўлланган периметр;*
- 3. Гидравлик радиус*
- 4. Шези коэффициенти;*
- 5. каналдаги сув сарфи.*

R;
C;
Q;

Трапеция шаклида

- 1. Тирик кесим юзаси;*
- 2. Хўлланган периметр;*
- 3. Гидравлик радиус*
- 4. Шези коэффициенти;*
- 5. Каналдаги сув сарфи.*

T – жадвал

T – жадвал қоидалари танишилади.
Якка тартибда расмийлаштирилади

T – жадвал

- бита концепция
(маълумот)нинг жиҳати
ўзаро солиштириш ёки
уларни (ҳа/йўқ, ҳа/қарши)
учун.

Танқидий мушоҳада
ривожлантиради

Ажратилган вақт оралиғида тартибда
(жуфтликда) тўлдиради, унинг чап
томонига сабаблари ёзилади, ўнг
томонига эса чап томонда ифода
қарама – қарши ғоялар, омиллар ва
шу кабилар.

Жадваллар жуфтликда (гурӯҳда)
таққосланиши тўлдирилиши

Барча ўқув гурӯҳи ягона T – тузади.

Парабола шаклидаги каналнинг афзалликлар ва камчиликлар (лавҳа)

<i>Афзалликлар</i>	<i>Камчиликлар</i>
Кам сув сарфи йуқотилиши	Ҳисоб ишларида
Лойқа босмаслиги	Тозалашда
Энг мақбул шакл ХИТ	Лойиҳалашда

3.3. Муаммони аниқлаш, таҳлил қилиш ва уни ҳал этишни режалаштиришнинг йўллари ва воситалари

“Нима учун” схемаси

“Нима учун” схемасини тузиш қويدаси билан танишадилар. Алоҳида/кичик гуруҳларда муаммони ифодалядилар. “Нима учун” сўроғини берадилар ва чизадилар, шу саволга жавоб ёзадилар. Бу жараён муаммонинг дастлабки сабаби аниқланмагунича давом этади.


“Нима учун” схемаси-муаммонинг дастлабки сабабларини аниқлаш бўйича фикрлар занжири.

Тизимли, ижодий, таҳлилий фикрлашни ривожлантиради ва фаоллаштиради.

Кичик гуруҳларга бирлашадилар, таққослядилар, ўзларининг чизмларини тўлдирадилар. Умумий чизмага келтирадилар.

Иш натижаларининг тақдимоти

«Нима учун?» схемаси – Ер ўзанли каналнинг ФИКнинг пасайиши сабаблари (лавҳа)



“Балиқ скелети” чизмаси

“Балиқ скелети” чизмаси

Бир қатор муаммоларни тасвирлаш ва уни ечиш имконини беради.


Тизимли фикрлаш, тузилмага келтириш, таҳлил қилиш кўникмаларини ривожлантиради

Чизмани тузиш қоидаси билан танишадилар. Алоҳида/кичик гуруҳларда юқори “суягида” кичик муаммони ифодалайди, пастда эса, ушбу кичик муаммолар мавжудлигини тасдиқловчи далиллар ёзилади

Кичик гуруҳларга бирлашадилар, таққослайдилар, ўзларининг чизмларини тўлдирадилар. Умумий чизмага келтирадилар.

Иш натижаларининг тақдимоти

«Балиқ скелети» схемаси - Уларни тасдиқловчи муаммочаларни аниқлаш ва тасдиқлаш (лавҳа)



“Қандай?” диаграммасы

Қуйидан юқорига босқичма-босқич бўйсунувчи “Қандай?” диаграммасы

Муаммо тўғрисида
умумий тасаввурларни
олиш имконини
берувчи, мантиқий
саволлар занжири.

Тизимли фикрлаш,
тузилмага келтириш,
тахлил қилиш
кўникмаларини
ривожлантиради.

Кичик гуруҳларга бирлашадилар,
таққослайдилар, ўзларининг чизмларини
тўлдирадилар. Умумий чизмага
келтирадилар


Диаграммани тузиш қоидаси билан
танишадилар. Алоҳида/кичик гуруҳларда
диаграммани тузадилар

Иш натижаларининг тақдимоти

$$Q = \omega C \sqrt{Ri}$$

$$Q = \omega C \sqrt{Ri}$$

«Қандай?» иерархик диаграммасы – Канал сув сарфини аниқлаш (лавҳа)



«Қандай?» диаграммасини қуриш қоидалари

1. Кўпгина ҳолларда муаммони ечишда “нима қилиш керак” лиги тўғрисида ўйланиб қолмаслигингиз керак. Асосан муаммо, уни ечишда “буни қандай қилиш керак?”, “қандай” асосий саволлар юзага келишидан иборат бўлади.

“Қандай” саволларининг изчил берилиши қуйидагилар имконини беради:

муаммони ечиш нафақат бор имкониятларни, балки уларни амалга ошириш йўллари хам тадқиқ қилиш;

қуйидан юқорига босқичма-босқич бўйсунадиган ғоялар тузилмасини аниқлайдилар.

Диаграмма стратегик даражадаги саволлар билан ишлашни бошлайди. Муаммони ечишнинг пастки даражаси биринчи галдаги ҳаракатларнинг рўйхатига мос келади.

1. Барча ғояларни ўйлаб ўтирмасдан, баҳоламасдан ва таққосламасдан тезликда ёзиш керак;

Диаграмма ҳеч қачон тугалланган бўлмайди: унга янги ғояларни киритиш мумкин;

Агарда чизмада савол унинг “шоҳларида” бир неча бор қайтарилса, унда у бирор муҳимликни англатади. У муаммони ечишнинг асосийси бўлиши мумкин;

Янги ғояларни график кўринишда: дарахт ёки каскад кўринишидами, юқоридан пастгами ёки чапдан ўнгга қайд қилинишини ўзингиз ҳал этасиз;

Агарда сиз ўзингизга тўғри саволлар берсангиз ва унинг ривожланиш йўналишини намоён бўлишида ишончни сақласангиз, диаграмма, сиз ҳар қандай муаммони амалий жиҳатдан ечимини топишингизни кафолатлайди

Чизмани тузиш қоидаси билан танишадилар. Алоҳида/кичик гуруҳларда чизма тузадилар: тўрт бурчак марказида аввал асосий муаммони (ғоя, вазифа) ёзадилар. Унинг ечиш ғояларини эса марказий тўрт бурчакнинг атрофида жойлашган саккизта тўрт бурчакларга ёзадилар. Марказий тўрт бурчакнинг атрофида жойлашган саккизта тўрт бурчакларга ёзилган ғояларни, атрофда жойлашган саккизта тўрт бурчакларнинг марказига ёзадилар, яъни гулнинг баргларига олиб чиқадиладар. Шундай қилиб, унинг ҳар бири ўз навбатида яна бир муаммодек кўрилади

“НИЛУФАР ГУЛИ” чизмаси - муаммони ечиш воситаси. Ўзида нилуфар гули кўринишини намоён қилади. Унинг асосини тўққизта катта тўрт бурчаклар ташкил этади. Тизимли фикрлаш, таҳлил қилиш кўникмаларини ривожлантиради ва фаоллаштиради

Чизмани тузиш қоидаси билан танишадилар. Алоҳида/кичик гуруҳларда чизма тузадилар: аввал асосий муаммони (ғоя, вазифа) ёзадилар, сўнгра кичик муаммоларни, уларнинг ҳар биридан эса, кичик муаммони батафсил кўриб чиқиш учун “кичик шохчаларни” чиқарадилар. Шунга асосан ҳар бир ғоялар ривожланишини батафсил кузатиш мумкин.

Иш натижаларининг тақдимоти

«Нилуфар гули» чизмаси

	B	

	Z	

	C	

	D	

B	Z	C
D	A	F
G	H	Y

	F	

	G	

	H	

	Y	

👉 «Нилуфар» гули чизмасини тузиш қоидалари

- Амалий нуқтаи назардан барча ғояларни ихчам деб тасаввур қилинг (битта-иккитаси билан чегараланинг), бу ҳам ақл учун фойдали машқ ҳисобланади.
- Сизга катта қоғоз варағи зарур бўлади. Доимо ўзингиз мушоҳадаларингиз натижасини бир варақ қоғозда кўриш фойдали ҳисобланади. Қарама-қарши ҳолда эса сизга бир варақдан бошқасига сакраб юришингизга ва бунда зарурий бирор муҳим нарсани унутишингизга олиб келади.

“Нилуфар гули” схемаси “Суғориш каналидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш” муаммосини ҳалқилиш учун мўлжалланган чораларни ишлаб чиқиш (лавға)

<i>Канал гидравлик хисобини такомиллаштириш</i>	<i>Канал ўлчамларини аниқлашнинг назарий асосларини ривожлантириш</i>	<i>Трапеция ва парабола шаклидаги каналларни ўрганиш</i>			
<i>Мавжуд каналларни ишчи холатини ўрганиш</i>	<i>Канални оптимал кесимини аниқлаш</i>	<i>Канални сув узатиш қобилиятини ошириш тадбирларини и.ч.</i>			
<i>Фильтрацияни хисоблашни такомиллаштириш</i>	<i>Канални бетон копламалар билан қоплаш ишларини ташкил қилиш</i>	<i>Каналнинг ўт босишини камайтириш</i>	<i>Канални оптимал кесимини аниқлаш</i>	<i>Канални лойқа босишдан асраш</i>	<i>Канални доимий ишчи холатда сақлаш</i>
<i>ФИК аниқлашда ЭХМни қўллаш</i>	<i>Каналда фильтрацияни камайтириш</i>	<i>Сувни истимолчига етазида қисқа суғориш тармоқларидан фойдаланиш</i>	<i>Каналда фильтрацияни камайтириш</i>	<i>Суғориш каналидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш</i>	<i>Сув истеъмолчиларни сув иншоотларидан фойдаланиш маданиятини ошириш</i>
<i>Фильтрацияни ер мелиорациясига тасирини баҳолаш</i>	<i>Сув оқимини дамланиб харакатланишини бартараф қилиш</i>	<i>Механик усуллардан фойдаланиш</i>	<i>Каналларнинг санитар майдончасини доимий назоратда бўлишини таъминлаш нг</i>	<i>Каналларга хизмат кўрсати тошкilotларининг имкониятларини ўрганиш</i>	<i>Сув ва хосилдорлик боғлиқлигини аниқлаш</i>

“Нилуфар гули” схема - Муаммони ҳал қилиш учун мужалланган чораларни ишлаб чиқиш (лавҳа)

Талабга эга янги маҳсулотни ишлаб чиқариш	Ишлаб чиқарадиган маҳсулотни сифатини ошириш.	Сифат устидан назоратни кучайтириш.			
Мижозларга қўшимча хизматларни кўрсатиш	<i>Ишлаб чиқариш ва сотув ҳажмини ошириш</i>	Ишчиларнинг малака ошириш курсларини ташкил қилиш			
Талаб ва таклиф таҳлилини ўтказиш	Маркетинг бўйича мутахассисларни жалб қилиш		<i>Ишлаб чиқариш ва сотув ҳажмини ошириш</i>	<i>Эскирган ускуна ва технологияларни янгилаш</i>	<i>Сотиш сиёсатини такомиллаштириш</i>
Реклама тадбирларини қайта кўриб чиқиш	<i>Маркетинг сиёсатини қайта кўриб чиқиш</i>		<i>Маркетинг сиёсатини қайта кўриб чиқиш</i>	«Юлдуз» МЧЖ корхонасини зарар келтирувчи ҳолати»	<i>Ишлаб чиқаришни диверсификациялаш</i>
Нархлар таҳлилини ўтказиш					<i>Товарнинг таннарҳини пасайтириш</i>